



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 14 октябр, шанба №151 (983)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Президенти Леонид Кучма 13 октябр куни эрталаб Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Хотира ва қадрлаш майдонида бориб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйди. Меҳмон Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлганлар хотирасини ёдга олди.

бига дастхат ёзиб қолдирди.

Мен бу китобга мазкур заводдек замонавий корхоналар келажакда Ўзбекистоннинг қиёфасини белгилайди, деб

раи Калон, Масжиди Калон ва Мирараб мадрасаси, Лабиовуз ансамбли, Нодир девонбеги мадрасасини зиёрат қилди.

рихига бўлган улкан эъозни кўриш мумкин, - деди Л.Кучма. - Бухоронинг қадимий обидалари мени хайратга солди. Бу бинолар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун дуненинг мулкидир.

Украина Президенти шу куни Бухородан Киевга жўнаб кетди. Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президент Ислам Каримов кузатиб қолди.



Саидмурод РАҲИМОВ, Анвар КАРИМОВ, Илхом САФАРОВ, ЎзА мухбирлари.

Суратда Бухоро зиёрати.

Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎзА) олган сурат.

Шундан сўнг, Украина раҳбари пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасига борди. 1969 йили украинлик курувчилар кўмаги билан бунёд этилган, айни пайтда шаҳардаги намунали билим мактапларида бири ҳисобланган 110-мактабнинг ўқувчилари меҳмонларни гулдастала билан қарши олди. У ерда украин халқининг озодлик куйчиси Тарас Шевченко хотирасига ўрнатилмак эдгорлик пойдевори раамзий тош қўйилди.

иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини ошириш йўлида бошқа миллатлар билан баҳам-жиҳат меҳнат қилмоқда. Бунинг асосида, албатта, юртимиздаги мустақам тинчлик ва барқарорлик ётибди. Учрашувда буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарияти, хусусан, Президент Ислам Каримов юритаётган изчил сиёсат натижаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шу куни Леонид Кучма Ислам Каримов ҳамроҳлигида Бухорога борди. Президентлар Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бўлиб, бу ерда йўлга қўйилган замонавий иш услуби билан танишди. Ислам Каримов ва Леонид Кучма марказий бошқарув пултида меҳнат қилаётган мутахассислар билан суҳбатлашди.

Украина Президенти Леонид Кучма заводнинг фахрий меҳмонлар китоби

ёздим, - деди Украина раҳбари журналистлар билан суҳбатда. - Модомики, мамлакат раҳбарияти шундай замонавий

хородаги қадим ва жозибдор тарихий обидаларига - Сомонийлар макбараси, Пойи Калон мажмуиға кирувчи Мино-

обидаларнинг қиёфасига қараб, мамлакатнингизда маънавий қадриятларга қанчалик катта эътибор берилётганини, ўз та-

Тақдимот «МЕН УКРАИН ХАЛҚИГА ИШОНАМАН»

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида Украина Республикаси президенти Леонид Кучманинг «Мен украин халқига ишонаман» деб номланган китоби тақдимоти ўтказилди.

Маросимда сўзга чиққанлар мазкур китобда мамлакат сиёсий, ижтимоий иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари, ислохотлар ҳақида батафсил маълумотлар берилганлигини баён қилишди.

Мазкур китоб Украинанинг бугунги ва эртаси, миллатдошларимиз ҳаёти билан танишиш имконини беради, - деди украин аёли Мария Гаврилюк «Туркистон-пресс» мухбири билан суҳбатда. - Мен Ўзбекистонда туғилганман. Шу заминни она юртим деб ҳисоблайман.

Шу ерда туп қўйиб, палак ёздим. Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 мингдан зиёд украинлик истиколат қилляпти. Мамлакатимизда барча миллатлар каби бизлар учун ҳам яхши шароитлар яратилган. Биргина мисол: украин маданият марказида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, марказ қошидаги «Жерал» фольклор-этнографик дастасида украин халқининг қадимги урф-одатлари намойиш қилиниб, халқ кўшаклари маромига етказиб ижро этилаётганлиги барчани қувонтиряпти. Уйлайманки, ушбу китоб ва Украина президентининг юртимизга ташрифи иқтисодий ва маданий алоқаларимизнинг янада мустақамланишига хизмат қилади.

Бугунги қишлоқ ёшлари

Гап ёш мутахассислар ҳақида кетганда, беихтиёр ушбу латифа хотирга келади. Институтдан янги учирма бўлган агроном йигит кекса боғбонга танбех берибди:

— Агар яхшилаб қаралмаса, бу даракларнингиздан бир дона ҳам олма оломмайсиз. — Тўғри айтасан, ўғлим, — дебди чол қулиб. — Чунки шу ёшга етиб, нок дарактида олма пишганини мен ҳам эшитмаганман...

Албатта, бу ҳазил. Айниқса, ҳозир тилга олишга жазм қилганимиз маскан учун мўқоса бўлолмайди. Пича ургу бергимиз келди холос. Аслида шусиз ҳам Яккабоғ туманидаги 9-касб-хунар мактаби хусусида кўп илиқ сўзларни айтиш мумкин: саранжом-сарошта, файз-тароватли, кўнгил равшан тортади қилинаётган ишларни кўриб. Унинг салоҳиятини шундан ҳам бўлса бўладики, 600 нафар ўқувчи таълим олаётган мактабда 200 ўринли ётоқхона мавжуд. Бу шунча ўғил-қиз эзгу-истаклар оғушида умид боғлаб, олис йўл босиб шу маскани танлаганлигини англашди.

Халқда хунарли хор бўлмас, деган ҳикмат бор. Ахир қайси ота-она ўз фарзандининг қўли гул уста бўлиб элга танилишини хохламайди? Чевар келинчаларнинг шаънига ёғилажак қат-қат раҳматларнинг савобиға нима етсин?! Ушбуни истаган киши борки, фарзандини касб-хунарли қилгиси келади. Энг муҳими, бу ерда танлаш учун имкон етарли: истанг, тикувчи-бичувчи бўлинг, истанг, котибареферентлики танланг, истанг, ганчор-сувоқчи... Қисқаси, саккиз турдаги

мутахассислик бўйича таълим олиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. — Хунарни асрабон нет-гумдир охир, Олиб тупроққами кетгумдир охир.

Хазрат Навоийнинг ўғити айнан бизнинг ўқитувчи ва усталаримизга қарата айтилгандек. Мақсадимиз битта, яхши ният билан касб-хор эгаси бўлишни дилига тугиб келган ўғил-қиз борки, норози кетмасин, — дейди мактаб директори, «Халқ таълими фидойиси» унвони соҳибаси Ханифа Эшдавлатова. —

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

Яккабоғ туманидаги 9-касб-хунар мактабида «Ўзгаллик салони» ишламоқда

Талабаларимизнинг миллий хунармандчилик бўйича туман, вилоят, республика кўриқларида муносиб иштирок этиб келаётганлари бежиз бўлмас керак. Демакки, нимадир олиғашяпти, ўрганишяпти, малака хосил қилишяпти.

Дарвоқе, буни билиш учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Шундоқкина касб-хунар мактаби рўйсидан топасиз излаганингизни. Теле-радио устaxonасими, марҳамат. Балки «Ўзгаллик салони» ни истаб келгандирсиз? Унда бу томонга... Очиги, аввалига бизга бу нарсалар шунчаки эл кўзига, тўғрироғи, йўқдан кўра, деганларидек, талабаларнинг чанқоқ иштиёқига сув пурқашдек туюлганди. Йўқ, ушбу — агар таъбир жоиз бўлса, «ёрдамчи хўжалик» йилга бир миллион сўмдан зиёд даромад келтиришини эшитиб, беихтиёр қойил қолдик.

Билсак, усто-талабалар хизматини кўмсаб қолувчилар кўп экан. Ким хира тортган телевизорига нур ато этган шогирди закийларни дуо қилса, ким кўзгуга боқиб янги турмакланган сочларидан кўз узолмайди. Буни қарангки, бўлажак келинлар ҳам никоҳ пардозини «Ўзгаллик салони» фаришталарига ишониб топширмоқда экан...

Муборак Камолова, Муқаддас Раҳимова, Абдурашид Қўнонов, Тиловат Бердиева, Мирзаали Зокиров, Сайёра Нарзуллаева... Улар кўп. Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарининг ҳар бири алоҳи-

гашининг турли-туман тадбирларини айтмай-сизми! Шунақа пайтда «Чевар» дастаси ижросидаги куй-қўшиқларни эшитгани ён маҳаллардан ҳам ташриф буюришди.

Касабақум раиси Тўра Хайитовнинг сўзларини эшитиб, дил янада ёришди.

— Ўқувчиларимиз банимосили ҳосилга кириш арафасида турган ниҳол. Бундай ёшда одам табият таъсирчан бўлади. Қаҳр-ғазабни ҳам, меҳроқибатни ҳам бир умрга эслаб қолади. Шунинг учун имкон борича шогирдларимизнинг кўнглига эзгулик уруғини ундиришга ҳаракат қиламиз.

Тақдирга ҳеч нарса деб бўлмайди. Шундайки, касб-хунар мактабидан бир қанча етим ва ногирон ўғил-қизлар ҳам тахсил олишади. Кўчада, ўзингизга маълум, бозор иқтисоди. Тасодиф қийинчиликлар хуруж қилиб қолиши ҳам мумкин. Шундай кезларда... Лекин энг муҳими, жамоада таркиб тоған мустаҳкам тартиб-интизом, мактаб шаъни учун масъуллик ҳисси, ўтиб бораётган кунларга маъно-мазмун бахш этишга бўлган интилиш мураббиё-устозларнинг барчасига ҳок эканлигидир. Шу боиски, аллақачонлар мактабини битириб кетган ўқувчилар ота-онасидек яқин бўлиб қолган ўқитувчиларини тез-тез йўқлаб туришади. Ширин сўз билан, бир даста гул билан...

Тўрт йилдирки, ҳуқуқ тартибот органларига киши юзини ерга қаратувчи бирор маълумот тушганлигини биров эслолмайди. Ахир нега ҳам тушсин. Талабаларда бекорчи вақтининг ўзи бўлмас! 5700 дан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхона, турли спорт секциялари, мусиқа тўғараги... Ҳаммадан ҳам қизлар кен-

Зайниддин РИХСИЕВ.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Сариосиё ва Узув воқеалари ҳамон қалбимизни ларзага солиб турибди. Босқинчилар билан жангда ҳалок бўлган ўғлонларимиз орасида булунғурлик Маъруф Ражабов ҳам бор эди. Ватанимиз ҳафсизлиги, халқимиз осойишталиги йўлида жонини фидо қилган мард аскарнинг номини абадийлаштириш мақсадида Булунғур жамоа хўжалиги билан турман марказини боғловчи кўчага унинг номи берилди.

Булунғурликлар Маъруф Ражабов билан ҳақли равишда фахрланишлари. Кўчага унинг номи берилиши эса ана шу ифтихорнинг рамзидир.

(ЎзА).

«Ишонч» аралашувидан сўнг

ҲАҚЛИ ТАЛАБ ҚОНДИРИЛАДИ

Маблағ йўқлиги, зарур воситалар етишмаслиги, пудратчи курилиш ташкилотлари йўқлигини рўқач қилиб, бугунги ишни эртага қолдираётган хўжаликлар ҳам йўқ эмас.

Қорақўл туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги кўп тармоқли жамоалардан бири. Хўжаликда кейинги йилларда белгиланган режалар ошиғи билан бажарилмоқда. Даромаднинг кўпайиши аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилаш имконини бераётди. Ишлаб топилган маблағнинг бир қисми ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун сарфланишига ҳаракат қилинапти. Лекин туман ўраимида марказлашган маблағлар ҳисобига водопроводлаштириш ишлари охирига етказишни ўз ваколатига олган

тайинли бир ташкилотнинг бўлмаслиги кўшимча оворгарчиликларни юзага келтирмоқда. Натияжада ушбу хўжаликда ҳам ичимлик сув таъминоти тубдан яхшилаш масаласи чўзилгандан чўзилмоқда. Шу боисдан ҳам тахририятимизга мазкур жамоага қарашли Галавек қишлоғидан бир гуруҳ газетхонлар «Қачонгача сув ахтариб сарсон бўламиз» дея шикоят хати йўллашга мажбур бўлишган. Хат бошқарув аъзолари ҳамда фаоллар иштирокида ҳар томонлама ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлишича, хўжаликда газлаштириш ишлари қисқа фурсатларда тўла-тўқис охиригача етказилган. Дўрмон, Қаймоқчи қишлоқлари бўйлаб 4,8 километр узунликда тортилган водопровод тармоғидан аҳоли баҳоли қудрат фойдаланиб турибди. Хат муаллифлари эътироф этганларидек, бир томони Қорақўл шаҳрига туташиб кетган мазкур аҳоли масканида ҳам қувурлар ётқизилган. Унга 2-3 йил бўлган бўлса-да, бошланган ишни охиригача етказиш пайсалга солиб келинмоқда. Сабаби — ишни бошлаб қўйган ташкилот ўз фаолиятини тўхтатган.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ А.Н.СЕЗЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақдирига биноан Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Сезер шу йил 16-17 октябр кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболларига оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилиши, шунингдек, қатор кўшма ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлиги

ҚЎШМА КОРХОНА — ХОРИЖ ИШОНЧИ

Чет эл технологияси асосида фаолият кўрсатувчи қўшма корхоналар ташкил этиш ва шу аснода хориж сармоясини жалб этиш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидандир. Бу борада Ўзбекистон-Туркия мамлакатлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик яхши самаралар бермоқда. Ҳўш, ана шу ҳамкорлик меваси бўлмиш қўшма корхоналар бугунги иқтисодий-тимиз равнақида қандай рол ўйнамоқда? Қуйида шулар ҳақида хикоя қилинади.

«ЭЛТЕКС» АҚШДАН БУЮРТМА ОЛДИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида бу долзарб масала хусусида алоҳида тўхталиб шундай деган эди: «Салоҳиятли хорижий шерикларимиз билан яна ҳам фаол ва изчил иш олиб бориш, улар билан ҳамкорликда замонавий, дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги-янги қўшма корхоналар тузиш лозим». Не бахтки, бу улғувор вазифаларнинг удрасидан чиқилмоқда. Муборак юртимизда бугунги кунда кўплаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқдалар. Улардан бири Эллик-Альа мавзесидаги «Элтекс» ҳисдорлик жамияти таъкидлаш жоиз, Туркиянинг «Язекс» фирмаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок мустаҳкам алоқани йўлга қўйди. Нукус шаҳрида

ҳамжихатликда «Кабекс» мажмуи фойдаланишга топширилди. Биз хикоя қилаётган ҳисдорлик жамияти ҳам ана шу сазй-ҳаракатлар мевасидир. «Элтекс» цехларига Германия, Италия, Швейцария мамлакатларидан замонавий дастгоҳлар келтирилиб ўрнатилди. Хорижлик мутахассислар маҳаллий йигит ва қизларимизни замонавий технологияни бошқаришга кунт билан ўргатди. Ўтган олти йил давомида кечгаги қишлоқ ёшларидан 866 нафари замонавий касбларнинг эгалари бўлиб етишдилар. Ҳозирги кунда улар қалавачилар, мохир тикувчилардир. Ешлик шижоати, омилкорлик ва ташаббускорлик шарофати ила жорий йилнинг ўтган ўн ой ичида корхонада қарийб 900 тонна қалава ип, 227 минг дона тайёр маҳсулот ҳамда кўплаб харидор-гир матолар ишлаб чиқарилди.

(Давоми 2-бетда).

«ЭЛТЕКС» АҚШДАН БУЮРТМА ОЛДИ

(Давоми. Бош 1-бетда)

Кувончимизни сўз билан ифода қилиш қийин, - дейди «Элтекс» ҳиссасдорлик жамияти бош директори Рашид Ёқубов. — Бойси жаҳонга юз тутдик. Яқинда Америка Қўшма Штатларидан 37.320 дона болалар, аёллар ҳамда эркеклар жинси кийим-кечкаларига буюртма олдик. Бу шарафли вазифани 15 ноябрга қадар бажарамиз. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикасининг шимолӣ зонасида жойлашган етита туманга 250 миллион сўмлик кийим-кечек етказиб берамиз. Барча муваффақиятларимиз, ҳамкору ҳамжиҳатлик учун туркиялик дўстларимизга раҳматлар айтаемиз.

Корхона цехларини айланарканмиз кўтаринки кайфиятда меҳнат қиладиган ёшларни кўриб қувонамиз. Тошкент тўқимачилик комбинатидан ишлаб, бой тажриба ортирган мутахассис Султонбой Уринов, ишчилардан Гулбахор Сапарова, Холда Ахмедова, Курбоний Жаҳонов, Гулора Беғетова, Зулфия Йўлдошева кабилар меҳнатидан барча хурсанд. Зулфия Тўхтабоева тайёрлаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлиги билан ажралиб турибди.

Намангандаги «Косонсой-Текмен» Ўзбек-Турк қўшма корхонаси ҳақида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Бу ерда бир ярим минг киши сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Иш уч сменада ташкил этилган. Ишчи-хизматчилар зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Сабаби улар туну кун, ҳатто тушлик вақтида ҳам навбатма-навбат дастгоҳларни, уларни бошқараётган компьютерларни назорат қилишлари керак.

Қўшма корхона жунни қайта ишлашга ихтисослашган. Маҳсулотлари харидордир.

Туркиялик ҳамкорлар билан алоқа ривожланиётганлиги ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Хусусан, «Косонсой-Текмен» қўшма



Суратларда: «Айлин» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ҳаётидан лавҳалар.



корхонаси негизда етти-та алоҳида-алоҳида корхона барпо этиш ният қилинган. Уларнинг лойиҳалари учун тахминан 200 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Хориж сармоясини жалб этган «Шаҳринос» хис-

садорлик жамияти ҳам илдам ривожланиётган. Шу йил ишга туширилган янги цехлар, тегирмон маҳаллий аҳолига қулайликлар яратди. Муҳими кўлаб кишилар муқим иш билан таъминландилар.

Яқинда Туркия Республикаси ташқи ишлар вазирининг расмий ташриф билан Ўзбекистонимизга келиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги bosқичга кўтаришда муҳим рол ўйнади. Зеро, Ўзбекистон билан Туркия муносабатларининг самимий руҳда ривожланиши икки қардош халқ манфаатларига хизмат қилажакдир.

М. ИЛЁСОВ.

Жиноятчи тўдаларга янглишиб қўшилиб қолганларга давлатимиз раҳбари яна бир бор бағрикенглик, меҳрибонлик кўрсатдилар. Президентимизнинг шу йил 6 сентябрда «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жинсий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Қилмишидан афсус ва надоматда юрганлар ҳуқуқни муҳофаза этиш идораларига авф сўраб келмоқдалар. Уларнинг ота-оналари фарзандларининг кўзи очилиб, мулла бўлиб уйга қайтганидан ниҳоятда хурсанд эканликларини таъкидламоқдалар. Зомин тумани прокурори, биринчи даражали юрист Бахтиёр ШОЙИМОВ билан суҳбатимиз айнан шу мавзуда бўлди.

— Адашганлар тўғри йўлни топиб олишига, оиласи бағрига қайтишига давлатимиз раҳбари яна бир имкон берди, — дейди Бахтиёр ака. — Бу меҳрибонлик, олийжанобликни қадрламоқ керак. Бизнинг туманда ҳам авф сўраб бир неча киши ёзма мурожаат этди. Шулардан бири Аччи кишлоғида яшовчи 1971 йилда туғилган Илхом Мамаюсуповнинг уй-

лаш керак, динни ниқоб қилиб яшаётган бундай кимсалар гаразли ниятига ҳеч қачон етолмайди. Ўзингизга маълум, Ислом дини буюк ва ҳаётий таълимот сифатида инсонлар қалбидан жой олиб келяпти. У одамларни меҳр-оқибатли, пок ва диёнатли бўлишга даъват этади.

— Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, келгу-

жоиз. Улар аҳолига ярамас оқимлар ҳақида батафсил тушунча беришяпти. Шунингдек, «Тошкесган» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси И. Эшбеков, «Ўзбекистон» маҳалла кўмитаси раиси М. Мавлонова, «Қайирма» маҳалласи фаоли С. Файзиёвнинг эл-юрт осойишталиги йўлидаги сайй-ҳаракатлари, фидойиликлари таҳсинга лойиқ. Улар ёшларни Ватанга муносиб фарзанд бўлишга, хушёр туришига даъват этиб ўзлари шахсий ибрат кўрсатишяпти. Яқинда шундай фаоллар билан Даштободдаги 4-касбунахуар лицейида, «Дуоба» маҳалласида ва туман марказидаги 1-мактабда учрашувлар, суҳбатлар ўтказдик. Шу жумладан, маҳалла побсонлари ҳам ўз вазифасини сидқидилдан адо этипти. «Ишонч» телефони ишлаб турибди.

АВЗОР

пуч гоаялар домига билмай тушиб қолганларга кўрсатилган катта мурувват ва ақлини йиғиштириб олишига сўнгги имкон

дан 1999 йил феврал ойда диний адабиётлар, иккита видео кассета, ўқ отар курол топилган эди. У Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 248-моддаси 1-қисми, 276-моддаси 2-қисми билан айбланиб судланди. Бу йигитга аччиқ сабоқ бўлди. Вақт ўтиши билан у ариза ёзиб кечирим сўради. Даштобод шаҳри Зебунисо кўчаси 9-уйда истиқомат қилувчи 1968 йилда туғилган Абдукарим Шойзоқов, Туркман кишлоғилк 1963 йилда туғилган Мухторбек Исмаилов ҳам афсус надомат ила бош эгиб, узр сўраб келганлиги боис авф этилдилар. Ҳозир учовлон тинчгина яшаб меҳнат қилишяпти.

сида ёшлар орасида адашганлар, нотўғри йўлга кириб қолганлар бўлмаслиги учун қандай тадбирлар амалга ошириляпти?

— Кишлоқлардаги кам тамиланган, ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларини ҳар томонлама қўлаб-қуватлаш, уларга моддий ва маънавий мадад кўрсатиш доимий диққат марказида. Тажрибасизлиги, гўрлиги туфайли ноҳўя ҳаракатлар қиладиган кимсалар билан яқка тартибда суҳбатлар уюштириляпти. Уларга жамоатчилик таъсири ўтказиляпти. Бу борада маҳаллаларнинг роли катта бўлмоқда.

— Иш, ўқиш, дам олиш бир-бирига узвий ҳолда, вақтида бўлгани яхши. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш юзасидан нималар қилинляпти?

— Ёшлар соғлом ва бақувват бўлишларида спортнинг аҳамияти беқиёс, албатта. Даштобод шаҳридаги спорт клуби фаолияти яхши йўлга қўйилган. У ерда ёшлар спортнинг бир неча тури билан шугулланишади. Туман марказидаги стадион ҳам талаб даражасида таъмирланди. Тез-тез мусобақалар ўтказиляпти. Туман ҳокимлиги, прокуратура, Ички ишлар бўлими раҳбарлари биргаликда кишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда маҳалла кўмиталари раислари, фаолларига мурожаат этиб спорт мусобақаларини ташкил этишда ҳамкорликда иш олиб боришни сўрадик. Таклиф яқдиллик билан қабул қилинди. Ҳомийлар зарур анжом ва кийимлар олиб беришди. Муҳими, ишни яхши йўлга қўйдик, энди уни изчил давом эттирамиз. Ниятимиз, юртимизда доим тинчлик бўлсин, орамизда адашганлар бўлмасин.

Суҳбатдош: Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ, «Ишонч» муҳбири.

ЯНГИ ЖАМИЯТ ИШ БОШЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, улар соғлигини мустаҳкамлаш йўлида катта гамирликлар кўрсатилмоқда. «Меҳри» хотин-қизлар жамияти, Ўзбекистоннинг тadbиркор аёллари республика уюшмаси, «Аёл ва жамият» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Келинлар институти» хотин-қизлар таълими маркази каби ташкилотлар фаолиятлари ҳам шу улуг мақсадларга қаратилган.

Ногирон аёлларни қўлаб-қуватлаш ва улар саломатлигини қайта тиклашга қаратилган тиббий тадбирлар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда. Шу ўринда ногирон аёллар жамияти тузишга киришилганлигини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Бундай жамият республикамизда биринчилардан бўлиб Тошкент вилоятининг Қийраб туманида ташкил этилди. «Опа-сингиллар» деб номланган мазкур жамият туман ногирон аёлларини қўлаб-қуватлаш билан шугулланади.

— Янги жамиятнинг тузилиши нур устига аъло нур бўлди, - дейди тумандаги «Интилиш» ногиронлар жамияти раиси Наталья Плотникова. — Бу хайрия ташкилотини ташкил этишда халқаро тараққиёт АҚШ агентлигининг ёрдами ҳам катта бўлди. Қўбрай хотин-қизлар кўмитаси ҳамда бизнинг «Интилиш» ногиронлар жамиятимизда эса «Опа-сингиллар»нинг моддий-техник негизини мустаҳкамлашни ўз зиммасига олди.

Ушбу жамият Низомида кўрсатиб ўтилганидек, уни тузишдан мақсад ногирон аёлларнинг ҳаётий фаолигини оширишда жамоатчилик кучини бириктириш ҳамда мувофиқлаштиришдан иборат бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, хайрия ёрдами кўрсатиш, меҳнатга лаёқатли аёлларни ишга жойлаштириш, дам олишларини ташкил этиш каби тадбирлар мунтазам рўйга чиқарилади.

«Опа-сингиллар» жамияти ўз фаолиятини республикамиздаги хотин-қизлар ташкилотлари билан ҳамкорликда давом эттиради. Шунингдек, қатор халқаро нуфузли дастурлар доирасида қатнашиб, ўз истиқбол режаларини белгилаб олади.

Акбар АЛИЕВ.



«Халқобод» ширкат хўжалиги учун бу йил омадди келди - кишлоқ хўжалиги асосий тармоқлари бўйича белгиланган шартномавий режалар ортиги билан адо этилди. Бу муваффақиятларда ўз касбининг устаси, механизатор Нурриддин Саидовнинг муносиб улуши бор. У меҳнат қиладиган бри-

гада эса ҳосилдорлик бўйича нафақат хўжалик, балки Термиз туманида ҳам юқори кўрсаткичга эришди.

Суратда: илгор механизатор Н.Саидов пахтачилик бригадаси бошлиги Б.Рўзиев билан.

Б.ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

«COSCOM» ФАРҒОНАДА

Фарғонада «Коском» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг «Коском-Водий» филиали иш бошлади.

«Коском-Водий» бошқа уяли алоқа тармоқларидан ўз хизмат доирасининг кенглиги, сифати билан ажралиб туради. Корхона халқаро роумингга эга. Бу ҳар бир абонентга бошқа давлат худоида ҳам мазкур алоқа хизматида фойдаланиш имтиёзини беради.

Маълумотларга қараганда, ҳозирнинг ўзида 400 дан ортиқ абонент «Коском-Водий» уяли алоқа хизматидан фойдаланмоқда.

(ЎЗА)

Кўнғирок

ҚИШ ИМИЛЛАШНИ КЕЧИРМАЙДИ

Фарғона шаҳарларида масъулиятли мавсумга тайёргарлик борасида ўзибўларчиликка йўл қўйиляпти

«Қиш гамини ёзда е», дейди доно халқимиз. Мўътадил иқлимга мослашган юртимиз кузи оша қишининг эшик қоқишига ҳам унча кўп вақт қолгани йўқ. Шу боис ушбу мавсумга тайёргарлик ишлари биздан янада масъулиятлироқ бўлишни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан Фарғона вилояти ҳокимлигида Фарғона, Марғилон, Қўқон ва Қувасой шаҳарларида бўлиб ўтган йиғилишларда халқ хўжалиги тармоқларини 2000-2001 йиллар кузги-қишки мавсумига тайёрлаш ишлари атрофида муҳокама қилинди. Касаба уюшмалари фаолларининг ишчи гуруҳлари томонидан вилоятимизнинг йирик шаҳар ҳамда туманларидаги уй-жой фондлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари, корхона ва ташкилотларда амалга ошириляётган ишлар атрофида таҳлил этилди.

Афсуски, ютуқлар билан бирга айрим шаҳар ҳамда туман-

тарбия муассасаси, 29 та шифохона ва 367 та бошқа турдаги биноларнинг бирортасида «Иссиқлик манбаи» корхонаси билан топшириш қабул қилиш далолатномалари тузилмаган.

Қирғулидаги кўп қаватли уй 30 тасидаги ана шундай далолатномалар мавжуд, холос.

Тумандаги 310 та кўп қаватли уйларнинг фақат 49 таси шу кунга қадар ташкил этилган 6 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари тасарруфида ўтказилган. Бултур 26 та кўп қаватли уйда иссиқлик етарли бўлмаганди. Лекин бу нуқсон инобатга олинмаган. Ўтган давр мобайнида биронта уйда таъмирлаш ишлари амалга оширилмаган. Тузилган

режаларда, асосан, жорий таъмирлаш кўзда тутилган.

Туман ҳокимининг фармойишига кўра 20 та кўп қаватли уй мукаммал таъмирлаш бўйича корхона ва ташкилотларга бириктирилган. Аммо Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Азот» ишлаб чиқариш бирилшаси, 9-қурилиш монтаж участкасидан бошқа корхона ва ташкилотлар муқим ишни пайсалга солмоқдалар.

Қўқон шаҳрида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Фақат «Ўзбекистон» темир йўллари» ДАК Фарғона дирекцияси томонидан иккита уйнинг иссиқлик тармоғи ва томлари, 2 та қозонхона таъмир-

ланмоқда. Шаҳарда янги мавсум олдидан жиддий ёрдамга муҳтож бўлган кўп қаватли уйлар оз эмас. Хўқандий ва Навоий мавзеларидаги уйларнинг 3- ва 4- қаватларига ичимлик суви етиб бормаиди, уйлардаги иссиқлик тармоқлари яроқсиз ҳолга келиб қолган, улар юқори босимга бардош бера олмаиди. Тасарруфида 40та кўп қаватли уй бўлган «Қўқон ИЧБ» эса мавсумга тайёргарлик бўйича аниқ режага эга эмас. Агар ишлар шу шундай давом этадиган бўлса, Муқимий шаҳарчасида жойлашган кўп қаватли уйларда қиш азоб билан ўтиши тайин.

Мавсум олди режасида белгиланган 12 та кўп қаватли уйнинг бор-йўғи иккитаси мукаммал таъмирдан чиқарилганлиги аниқланди. Уч-тўрт йилдирки, Янги Марғилон шаҳарчасининг «Янги Фарғона» кўчасидаги 21, 23, 23 а уйларига иссиқлик етказиб бериш муаммога айланган.

Маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, 2000-2001 йиллар кузги-қишки мавсуми учун вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 48 минг тонна, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 5 минг тонна кўмир жамғарилиши керак эди. Ҳақиқатда эса халқ таълими муассасалари учун 18,1 минг тонна, соғлиқни сақлаш муассасалари учун 984 тонна

кўмир жамғарилган, холос. Умуман олганда эса, вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 892 та мактабнинг 493 таси, 1089 та болалар боғчасининг 300 таси, 102 та мактабдан ташқари муассасаларнинг 58 таси жорий таъмирланган лозим. Белгиланган режага асосан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 100 дан ортиқ муассасаларда кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари олиб борилиши керак. Демак кўриниб турибдики, ўзибўларчиликка барҳам берилиб шоянчиноралар кўрилмаган экан, қишлиқ қировли кунларда аттан деб қолиниши турган гап.

Темир ҚУРБОН, Аҳмаджон ТУХТАСИНОВ, «Ишонч» муҳбирлари.

Туронзамин даргалари

МУЪТАБАР ҚАДАМЖО

Мустақиллик шарофати билан жаҳон илм-фани ва маданияти равақиди салмоқли хисса қўшган буюк аждодларимизнинг таваллуд саналари нишонланиб, уларнинг бой маънавий мерослари халққа қайтарилди. Утган тўққиз йил давомида кўплаб аждодларимизнинг муборак номлари тикланиб, илмий мерослари маънавий мулкимизга айлантирилди.

дирилган. Қачонким, боғда Имом ал-Мотуридий дафн этилган, у муқаддас қадамжо ва машхур кишилар қабристонига айланган. Бу муборак гўшада Имом Абул Қосим ал-Ҳаким ас-Самарқандий (953 йилда

улуг каломчи, фиксшунос олим...

Абу Фозил Мухаммад ибн Абдуҷамил ас-Самарқандий — тарихчи, фиксшунос олим, ан-Насафийнинг шогирди, Самарқанд тарихини ёзган олим.

Имом ал-Кундий (1050 йилда вафот этган) — машхур файласуф ва фиксшунос.

Имом ал-Усмандий (1158 йилда вафот этган) — машхур фиксшунос олим.

Убайдуллоҳ ибн Умар ал-Кушоний — фиксшунос олим.

Мухаммад Дарвеш — Имом Бурхониддин Марғинонийнинг шогирдлари, XIII аср бошларида вафот этиб, Чокардизага борадиган йўлда дафн этилган.

Ал-Мотуридий таълимоти бутун ислом оламида кенг ёйилганига қарамай, ўз Ватанида алломанинг номи ҳам, асарлари ҳам мустамаккачилик даври сибсати тўғрисида узоқ йиллар унутилди.

Аммо хорижда ал-Мотуридийнинг номи ва таълимотини яхши билишган. Деярли барча мусулмон давлатларида ҳазратнинг диний-маънавий меросига доир тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақиллик тўғрисида қилган ҳақиқатларни янгиликларга қўшиб, «Аз-Замин» номи билан машхурдир. Ул зотнинг фиксшуносликка оид китобларида ҳазратнинг ҳақиқатларидан қўллана сифатида фойдаланилади.

Имом Бурхониддин Марғиноний (1197 йилда вафот этган) — фиксшуносликдаги энг машхур «Ҳидоя» китоби муаллифидир.

Имом ан-Насафий (1142 йилда вафот этган) — фиксшунос, тарихчи, «Кандия» муаллифи.

Саъдулдин Тафтазоний (1389 йилда вафот этган) — Амир Темур Эрондан Самарқандга таклиф этган

Имом ан-Насафийнинг «Кандия» асарида Чокардиза қабристонининг тарихи, унда дафн этилган алломалар ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Бу асар Самарқанд тарихи ҳақида битилган энг ноб ва қадимий манбадир.

«Сўғдиёна» наشريёти бу савобли ишларни давом эттириб, Ал-Мотуридий юбилейларига атаб «Имом Мотуридий ва илми калом», «Имом Бурхониддин Марғиноний ва илми фикс», «Чокардиза қабристони», «Имом Даромий ва Самарқанд ҳадисшунослик мактаби», «Самарқанднинг буюк алломалари», «Мотуридий ақидалари», «Самарқанднома» каби китобларни нашр этади.


Аллома ҳақида бир-бирдан қизиқарли маълумотларга бой бўлган бу китобларни хурматли олимимиз К.Каттаев нашрга тайёрламоқда.

Ал-Мотуридий гоёларнинг адолатли, ҳуқуқий, демократик жамият барпо этиш йўлидан бораётган ниятида долзарблигини даврининг ўзи яққол кўрсатиб турибди.

Дунёнинг яралиши, ҳақ ва адолат, Оллоҳ ва инсон ўртасидаги муносабатлар, Оламнинг гулжойи ҳисобланмиш одамларнинг хатти-ҳаракатларини белгилувчи омилар ҳақидаги алломанинг фикр-мулоҳазалари, қарашлари, айна даъда ҳам инсоният олдида турган муҳим муаммолардир.

Имом ал-Мотуридий, Оллоҳнинг буюк яратувчи эканлигини эътироф этиб, дунёдаги жамийки неъматлар ана шу буюк яратувчи томонидан инсонга инъом этилганини қайта-қайта таъкидлаб, одамзодни эзгулик ва яхшиликка, ўзига, ўз эътиқодига, ҳақиқат ва адолатга суяниб яшашга чорлади.

С.КАРИМОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Давоми бор).



Дарё тошқин, сувлар тўлқин...

ЛУҚМОНИ ХАКИМ ДЕЙДИЛАРКИ...

Анжирни сутда қайнатиб ейилса, йўтал қолади.

Йўталдан қийналган одам бугдойни қайнатиб, қайнатгани сутга омухта қилсин ва ҳуфтондан кейин ичсин.

Жабоҳирлар сандиғи

Йўтал қийнаган киши думба ёғини сутда қайнатиб, уни сирка билан истеъмол этиши лозим.

Йўтал қийнаган киши яна турпини асал билан еса ҳам бўлади.

Эрталаблари шолғом еган киши йўталга дучор бўлмайди. Яна шолғом нафасни юмшатиб, ўпкани тозалайди ҳам.

Овози бўғилган кишига турп уруғи қайнатмаси яхши фойда қилади.

Саримсоқни турп ва туз билан еган кишининг оғзи қуриб қолмайди.

Куласизми, куясизми? ЭНГ БЕЧОРА ОДАМ

Болалигимда «Фалончиникига ўғри тушибди», деган сўзни эшитганимда ўғри қанақа бўлишини сира-сира тасаввур қила олмасдим.

Бир куни тонга яқин қўшимизникида бақирчақир бўлиб қолди. Кейин маълум бўлишича уларникига ўғри тушган экан.

Кўпчилик қатори мен ҳам катта кўча бошига борсам маҳалламиздаги иккита бақувват йигит ўрта ёшдаги бир одамни кўлларини орқага қайирганича ушлаб турибди.

Ҳайрон бўлганимдан ёнимда турган ўзим тенги болага қараб: «Буни қара, ўғри ҳам одамга ўхшаркан!», - деб юборгандим.

Уша ўғри мол ўғриси бўлиб, бундан аввал маҳалламиздан йўқолган қўйлар ҳам унинг иши экан.

КИНОДАГИ «КИНО»

Мустабид тузум даврида маҳаллий халқнинг нафсониятига тегиш учун кинотеатрлар атайлаб масжидлар ёнига, баъзан эса эскириб қолган мазорлар устига қурилар эди.

Ушанда халқ орасида «бу жойда кино қўйилса бир фалокат юз беради» деган гап-сўзлар тарқайди.

Ҳаста Имомдаги кинотеатр қуриб битказилган, унга Гофур Фулом номи берилди.

Биринчи қўйилган фильм номи «Генерал Раҳимов» эди.


Энг қизиги ва даҳшатлиси намойиш чоғида суронли жанг майдонларидан ҳиқоа қилувчи картиналар қўқ ярмига келганда кино ленталари тескари бурилиб, филмдаги воқеаларнинг оёғи осмондан бўлиб кетади.

Залда қий-чув бошланиб, ҳамма ўзини ташқарига ота бошлайди.

Кейин маълум бўлишича лентанинг ярми орқага айлантирилмай қўйиб юборилган экан.

Сайдмурод САИДАҲМАД.

«ВАЗА» БОШҚОТИРМАСИ



ЭНИГА: 7. Конга беланган. 8. Тиббиётнинг бир бўлими. 11. Оламнинг мулқ ҳоқими. 12. Забайкальдаги тоғ тизмаси. 13. Уйғонинг даври Венеция мактабининг йирик вакили, италян рассоми. 14. Ҳамма томони чексиз бўшлиқ. 15. Куёвнинг отаси. 16. Спорт машқлари мажмуи. 17. Санъат тури. 20. Тулпор. 21. «Афлотуни замон» деган номни олган Улуғбекнинг устози. 24. Уйнашмагин... билан. 25. Дабдаба. 26. Тўсиқ, баланд девор. 28. Замонавий ўзбек эстрада гуруҳларидан бири. 29. Инглиз ўлчов системасида оғирлик бирлиги. бий сигнал-чаллиган мўлжалланган пуфлама мусиқа асбоби. 6. Суякларнинг ўз вақтида қотмай нотўғри ўсиши. 9. Кеманинг ўртасидаги узун дор ёғоч. 10. Узум сувини ачитиш йўли билан тайёрланадиган ўткир хидли, рангсиз суяқлик. 18. Елимланмаган бир неча қават латта қоғозга эритма шимдириб тайёрланган материал. 19. Бадавлат венгер дворянларининг хизматкори. 22. Уй эгаси, оила бошлиғи. 23. Икки қўлдан чиқади-ган садо. 27. Кема бошқарувчиси. 28. Кўн-гилдаги орзу, тилак. Тузувчи: Т. УМАРОВ.

Газетанинг 148-сонидаги бошқотирма жавоблари

ЭНИГА: 7. Атлас. 8. «Ожиза». 9. Кадет. 10. Контрданс. 11. Изгирилди. 12. Алгебра. 15. Елкан. 17. Сомоса. 18. Афина. 19. Ақиқа. 22. Кома. «Бинафша». 16. Нуфуз. 17. Сакар. 20. Қотирмоқ. 21. Литораль. 23. Исраимлар. 30. Акварин. 31. «Боби». 32. Упука. 33. Атала. БЎЙИГА: 1. Ставрида. 2. Оханграбо. 3. Стендаль. 4. Зогнул. 5. Маузер. 6. Теннесси. 13. Гўшанга. 14. «Бинафша». 16. Нуфуз. 17. Сакар. 20. Қотирмоқ. 21. Литораль. 23. Исраимлар. 25. Айтматов. 27. Икарус. 28. Ракаат.

ЭРОНЛИКЛАР — АСОСИЙ ДАЪВОГАР

Асримизнинг энг сўнги қитъа биринчилиги — XII Осиё чемпионати «А» гуруҳидан ўрин олган Ироқ-Тайланд ҳамда Ливан-Эрон терма жамоалари учрашувлари билан бошланди. Биринчи ўйинда ироқликлар рақиблари устидан 2:0 ҳисобида галаба қозондилар.

Ливан ва Эрон терма командалари ўртасидаги учрашув кескин ва муросасиз ўтди. Башорат қилинган. Эро, Эрон терма жамоаси бош соврин учун асосий даъвогарлардан бири сифатида эътироф этилаётган бўлса, мезбонлардан эса ўз уйда кучли-

ларга муносиб ўйин кўрсатиш кутилган. Бирок, башоратлар ўзини оқламади. Эрон терма командаси ўзи дарвозаси дахлсизлигини сақлаган ҳолда рақибларини ўйинни тўрт мартаба майдон марказидан бошлашга мажбур этдилар. Бағирини, Али Дайи ва Эфтилий (2 та) голларидан сўнг ўйин йирик, 4:0 ҳисобида яқун топди.

Шунингдек, кеча «В» гуруҳида Жанубий Корея-Хитой, Кувайт-Индонезия учрашувлари ҳам бўлиб ўтди. Вакилларимиз эса бугун Катар терма жамоасига қарши майдонга тушдилар.

Ўғрининг икки дунёси қора

Ишларга қўл уриб бир марта қамалиб чиққан эди. Лекин бу экан унга сабоқ бўлмаган экан. Қамолдан чиққан, тўғри йўл қўлиб, яна эгри йўллarga ўзини ураверди. Энди девор-дармиён қўшнисидан «Биокиме» заводидан секин-аста спирт ўмариб сотишни машқ қила бошлади.

ТЕШИК ДЕВОР СИРИ

Заводда ўзига ўхшаш уч-тўртта имони суст дўстлари ишлашарди. Улар билан тил бириктириб заводга туташ ҳовлиси деворидан бир ярим литрли елим идиш сифадиган хуфя тешик очди. Цехлардан ўғирлаб чиқилган спирт елим идишларга қўйилиб шу тешик орқали Шухратбекнинг ҳовлисига тушаверади бўлди. Смена охирида у ҳамтовоқлари билан ҳисоб-китоб қилар, йиғилган спиртни эса қўлбола ароқ ишлаб чиқарувчи мижозларга хуфя йўллар билан етказиб беради.

Андижон вилояти Со-

лиқ соҳасидаги ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бошқармаси ходимлари «Ишонч» телефонида тушган маълумотлар асосида Шухратбекнинг яширинча фаолиятини зимдан кузатиб юрдилар. Ва ниҳоят, у Избоскан туманидаги мижози Сойбжон Йўлдошевга 25 донга

елим идишдаги спиртни 47 минг 500 сўмга сотаётган пайда назорат текшируви эълон қилдилар. Тезкор ходимлар дарҳол хонадонни кўздан кечириб, ичкарида яна 88 та елим идишда 132 литр спирт борлигини аниқладилар.

Шу кунда тезкор маълумотлар асосида Шухратбекка қўшни бўлган Бахтиёр Бозорхўжаевнинг хонадон ҳам кўздан кечирилди. У «Биокиме» заводидан ўғирлаб чиқилган 724,5 литр спиртни турли сифимдаги пластмасса ва металл идишларга қуй-

иб, кўтарасига сотишга тахт қилиб қўйган экан. Хар иккала қонунбузар си ходимлари «Ишонч» телефонида тушган маълумотлар асосида Шухратбекнинг яширинча фаолиятини зимдан кузатиб юрдилар. Ва ниҳоят, у Избоскан туманидаги мижози Сойбжон Йўлдошевга 25 донга

елим идишдаги спиртни 47 минг 500 сўмга сотаётган пайда назорат текшируви эълон қилдилар. Тезкор ходимлар дарҳол хонадонни кўздан кечириб, ичкарида яна 88 та елим идишда 132 литр спирт борлигини аниқладилар.

Шу кунда тезкор маълумотлар асосида Шухратбекка қўшни бўлган Бахтиёр Бозорхўжаевнинг хонадон ҳам кўздан кечирилди. У «Биокиме» заводидан ўғирлаб чиқилган 724,5 литр спиртни турли сифимдаги пластмасса ва металл идишларга қуй-

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақталди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 23.45. Бюроғи 1-924. 1 2 3 4 5 6